

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 495.3.

ЮЛДАШЕВ Дониёр Тахирович

**ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОПОНИМЛАРИНИНГ  
ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.02.02 – туркий тиллар

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш  
учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2012

Иш Урганч давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Дўсимов Зариббай**

**Расмий оппонентлар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Айимбетов Мақсет**

филология фанлари номзоди  
**Айназарова Гулара**

**Етакчи ташкилот :** Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тил ва адабиёт институти

Ҳимоя Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича Д.067.10.01. рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 230100, Нукус шаҳри, акад. Ч.Абдиров кўчаси, 1.

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби**  
**филология фанлари номзоди**

**Қ.Пахратдинов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин маънавий кадриятларни тиклаш, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу жабҳада Президентимиз И.А.Каримовнинг “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”<sup>1</sup> – деган фикрлари маънавий ва ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Республикаимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг улкан тарихий ютуғи бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ бошқа жабҳалар қатори фан ва таълим тизимида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, давлатимизнинг олиб бораётган сиёсати туфайли ономастика тизимида бўлган муносабат ҳам ўзгарди, тизимга миллий маънавиятимиз ва маданиятимизнинг таркибий қисми сифатида қараладиган бўлди. Шу қатори географик жой номларига муносабат ҳам ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлган ўзбек номшунослиги (ономастикаси) соҳасининг илмий йўналиш сифатида шаклланганлиги ва тараққий эта бошлаганига кўп вақт бўлмаганига қарамай, ўтган давр ичида топонимия, антропонимия, этнонимия соҳаларини ўрганиш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. Ҳақиқатан ҳам, мазкур соҳаларда қилинган илмий тадқиқот ишларининг кўлами анча кенг. Шу давргача олимларимиз томонидан ономастика, жумладан, унинг таркибий қисми бўлган топонимика борасида кўпгина илмий ишлар юзага келди. Ватанимизда бу соҳа кейинги 40 йил ичида сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Ушбу соҳага бағишланган кузатишлар монографик тадқиқотлар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, шунингдек, илмий экспедиция натижалари, номзодлик ва докторлик диссертациялари тарзида амалга оширилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 71.

<sup>2</sup> Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1968; Караев С. Опыт изучения топонимии Узбекистана. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1970; Кадырова, Микротопонимы Ташкента. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1970; Хужамбердиев Ё. Историко-этимологический анализ топонимии Сурхандарьинской области. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Губаева С. Этнонимы в топонимии Ферганской долины. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Латипов Ж.. Топонимия города Маргелана и его окрестностей. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Охунов Х. Топонимы Кокандской группы районов. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент 1978; Наимов С. Ойконимы Бухарской области. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984; Рамазанов М. Развитие ойконимии Ташкентской области в современный период. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Дусимов З. Историко-лингвистической анализ топонимии Хорезма. Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук – Ташкент, 1986; Мингбоев Н. Топонимия Мирзачуля. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988; Зокиров А. Топонимия Джизакской области Узбекской ССР. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991; Холмунинов Х. Микротопонимия Бойсунского района и его

Ишнинг мавзу кўлами Қорақалпоғистон топонимик тизими бўйича олиб борилган тадқиқотлар, айрим ўринларда мазкур тил тарихи, фонетик тизими, антропонимик тизими борасида амалга оширилган илмий изланишларга мурожаат қилиш эҳтиёжини туғдиради. Ана шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда Шимолий Қорақалпоғистон топонимик тизим бўйича монографик тадқиқ олиб борган Қ.Абдимуратов<sup>1</sup> ва О.Бекбаўлов<sup>2</sup>ларнинг тадқиқотларидаги материаллар, баён қилинган хулосалар мавзу тадқиқида муҳим ўрин тутади. Шундай бўлса ҳам, ўзбек тилшунослигида Жанубий Қорақалпоғистон жой номларининг тарихий-этимологик тавсифи атрофлича ҳамда монографик тарзда ўрганилган эмас. Жой номларининг тарихий-этимологик тавсифини ёритиш уларнинг тарихи, географик хусусияти каби кўплаб жиҳатларни ўрганишда муҳим ўрин тутади. Уларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш муайян ҳудудга хос бўлган қадимий сўз ясаиш усуллари, фонетик ҳодисалар, ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган айрим аффикслар тараққиёти ва ривожланиш босқичлари ҳақида қимматли маълумот беради. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар муаммо ечими учун етарли эмас. Хусусан, Жанубий Қорақалпоғистон топонимиясини тарихий-этимологик жиҳатдан тадқиқ қилиш махсус текшириш объекти бўлмаган. Ҳолбуки, Жанубий Қорақалпоғистон ватанимизнинг ўзига хос тарихи, маданияти, шу билан бирга турли этник гуруҳларнинг бирлашуви юз берган ҳудудларидан бири сифатида ажралиб туради. Юқорида қайд қилинганлар ушбу диссертация мавзуининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республиканинг муайян ҳудудлари бўйича топонимикага оид тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу ишларнинг аксарияти Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов, Қ.Абдумуратов, Н.Охунов, Т.Эназаров, О.Бегимов, Б.Ўринбоев, Х.Холмўминов, Ў.Орипов, С.Наимов ва бошқаларнинг илмий фаолияти билан боғлиқдир.

Тарихий-этимологик тавсиф луғавий бирликлар таҳлилининг ажралмас қисмидир. Топонимлар луғавий бирликлар асосида юзага келар экан, улар тадқиқида тарихий-этимологик таҳлилни четлаб ўтиш мумкин эмас.

Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий-этимологик таҳлилга оид мулоҳазалар, асосан, З.Дўсимовнинг ишларида учрайди<sup>3</sup>.

---

окресностей. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993; Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Отажоновна А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Туропов А. Самарқанд вилояти этноним ва этнотопонимларининг таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Орипов Ў. Нурота тумани макро- ва микротопонимиясининг лисоний таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003; Аслонов А. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Нуриддинова Р. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

<sup>1</sup> Абдимуратов Қ. Нега усылай аталган? – Нөкис, 1966.

<sup>2</sup> Бекбаўлов О. “Арал” гидроними хем “араллылар” этноними ҳаққинда // Қарақалпақ тили бөйынша изертлеўлер. Нөкис. 1971. - Б.169-78.; Арал бойы топоним хем этнонимлери ҳаққинда // Вопросы каракалпакского языка. – Нөкис: 1983. – С.194-208.

<sup>3</sup> Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – С.22; Ўша муаллиф. Историко-лингвистический анализ топонимы Хорезма: Автореф. дисс. д-ра филол.наук. – Ташкент, 1989. – С.48.

Шунингдек, ҳудуд топонимларининг тарихий-этимологик тавсифини ойдинлаштиришда республикамизнинг бошқа ҳудудлари топонимлари тадқиқига бағишланган ишлардан фойдаланиш, уларни ўзаро қиёслаш муҳим натижа беради. Шунинг учун юқорида қайд этилган ишларнинг кўпчилиги бизнинг тадқиқот объектимишга бевосита боғлиқлик касб этади.

**Диссертация ишининг илмий -тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Урганч давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуидаги истиқболли режаси таркибига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ишнинг асосий мақсади Жанубий Қорақалпоғистон топонимларини тарихий-этимологик тадқиқ этиш ва умумлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

– Жанубий Қорақалпоғистон топонимларини тўплаш ва уларни системалаштириш;

– апеллятиви туркий сўзлар бўлган топонимларни белгилаш ва тарихий-этимологик тавсиф қилиш;

– апеллятиви эроний тиллар элементларига мансуб топонимларни белгилаш ва тарихий-этимологик тавсиф қилиш;

– апеллятиви араб, мўғул ва рус тиллари элементларига алоқадор ҳамда гибрид таркибли топонимларни белгилаш, уларнинг тарихий-этимологик таҳлилини бериш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Жанубий Қорақалпоғистон, хусусан, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа ва қисман Амударё туманлари ҳудудида мавжуд бўлган жой номлари тадқиқотнинг асосий объекти ҳисобланади. Жанубий Қорақалпоғистон (ўрни билан Хоразм)нинг қадимий ва ҳозирга қадар қўлланишда бўлган жой номлари тадқиқот предмети ташкил қилади.

Лисоний материаллар шева вакиллари тилидан бевосита сўраш орқали ва расмий ҳужжатларни ўрганиш асносида тўпланган. Ўрни билан архив материаллари, тарихий асарлар ва хариталарда учрайдиган топонимларга ҳам муурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг методлари.** Жанубий Қорақалпоғистонда тарқалган топонимларни тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қилишда тилшунос ва тарихчи олимлар Я.Ғуломов, А.Мухаммаджонов, Ҳ.Ҳасанов, Ф.Абдуллаев, Э.М.Мурзаев, А.Абдурахмонов, З.Дўсимов, Қ.Абдумуратов, Е.Қўйчибоев, С.Қораев кабиларнинг тадқиқотларига суянилади. Жанубий Қорақалпоғистон топонимияси хусусиятларини таҳлил қилишда ономастика соҳасида фанимиз эришган кейинги ютуқлар ва илмий таҳлил усулларига таянилади.

Ишда қиёсий-тарихий, этимологик, ўрни билан тавсифий таҳлил усулларидан фойдаланилади.

**Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар:**

– Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари Ўзбекистон топонимиясида ажралмас бир қисми сифатида асосий ўрин тутаяди.

– Ҳудуддаги топонимлар тарихий-этимологик тадқиқ учун объект бўла олады.

– Топонимлар маҳаллий-худудий тил хусусиятларига мослашган бўлади ва унда ўша тилнинг худудий-лаҳжавий хусусиятлари ўз ифодасини топади.

– Жанубий Қорақалпоғистондаги топонимлар тарихий-этимологик таркибига кўра ўз ва ўзлашма қатламларга мансубдир.

– Топонимларнинг тарихий-этимологик таҳлили муайян халқнинг тарихи, турмуш тарзи, бошқа халқлар билан ҳар томонлама муносабатлари каби жиҳатларни ёритиб бериш имкониятига эга.

**Ишнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

– Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари тарихий-этимологик жиҳатдан илк бор монографик тарзда ўрганилди;

– ўзбек топонимикасидаги жой номларининг тарихий-этимологик тадқиқига бағишланган адабиётлар илмий-танқидий таҳлил қилинди ва мавзунинг ўрганилиш даражаси белгиланди;

– худуддаги топонимлар апеллятиви туркий сўзлар бўлган топонимлар мавзуй-семантик хусусиятларига кўра ички гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди;

– худуддаги апеллятиви эроний тиллар элементларига мансуб топонимлар, хусусан, қадимги эроний таркибли топонимлар ва хоразмий тилига алоқадор элементлар сифатида тадқиқ этилди;

– Жанубий Қорақалпоғистондаги апеллятиви араб, мўғул ва рус тили элементларига алоқадор ҳамда гибрид таркибли топонимлар тарзида ажратилди ҳамда таҳлилга тортилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу ишнинг илмий қиммати Ўзбекистон топонимияси таркибий қисми ҳисобланувчи Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари илк бор тарихий-этимологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганлиги билан белгиланади. Ишнинг назарий хулосалари ва таҳлил усуллари бошқа худудлар топонимиясини қиёсий ўрганишда ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Диссертациянинг фактик материаллари ва илмий хулосаларидан ўзбек ономастикасига оид ўқув қўлланмаларини яратишда, хусусан, Жанубий Қорақалпоғистон топонимияси ва шеваларининг изоҳли луғатларини тузишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот материаллари олий ўқув юртларида ўзбек ономастикаси, топонимика асослари бўйича махсус курслар ўқишда, умумтаълим мактабларида она тили, ўлкашунослик, география, тарих дарсларида қўшимча материал сифатида қўлланилиши мумкин.

**Диссертация натижаларнинг тадбиқ қилиниши.** Тадқиқотнинг илмий натижаларидан Урганч давлат университети филология факультетида “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Диалектология”, “Тил тарихи” ва “Ономастика асослари” фанларини ўқитишда фойдаланилади. Тадқиқот натижалари бўйича Урганч давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги илмий-назарий семинар мажлисларида (2000-2012 йиллар), ёш олимлар конференцияларида илмий маърузалар қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Мазкур тадқиқот мавзуси Урганч давлат университети Илмий кенгашининг 2000 йил 4 декабрдаги йиғилишида (3-

рақамли баённома) тасдиқланган. Диссертация ва унинг автореферати Урганч давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2009 йил 13 майда ўтказилган йиғилишида (8-рақамли баённома), Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги Д.067.10.01. рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб (17 ноябрь 2012 йил, 7-баённома), тугалланган илмий тадқиқот сифатида ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни республика илмий журналлари ва тўпламларида эълон қилинган мақолаларда, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий анжуманлари материалларида ўз аксини топган. Иш юзасидан 8 та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида географик жой номлари – топонимлар, уларнинг моҳияти, туркий тилшунослигида географик терминларни ўрганишнинг аҳамияти, бошқа лексик birlikлардан фарқи, вазифаси, уларнинг топонимлар билан алоқадорлиги, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ўзгаришнинг зарурияти, шунингдек, бу соҳада қилинган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Ишнинг **“Апеллятиви туркий сўзлардан бўлган топонимлар”** деб номланган биринчи бобида дастлаб Жанубий Қорақалпоғистон туркий халқларининг иккита катта таркибий қисми – ўзбек ва қорақалпоқ халқлари истиқомат қилаётган ҳудуд сифатида ҳамда унда кечган мураккаб тарихий жараённи ҳисобга олиб, топонимлар таҳлили асосида ҳам дастлаб бу ер аҳолиси тилининг лисоний ўзига хосликлари ва бунинг топонимлар тизимида акс этиши кўрсатиб берилди.

Жанубий Қорақалпоғистон ҳудуди топонимлар тизимининг асосий қисмини апеллятиви туркий сўзлардан бўлган топонимлар ташкил этади.

Боб куйидаги тегишли қисмлардан иборат:

1. Этнотопонимлар. Жанубий Қорақалпоғистонда уруғ, қабила, халқ номи билан аталувчи объектлар жуда кўплаб учрайди. Ўзбек халқининг этник асосини, этногенезини Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида яшаган бактрий, сўғдий, хоразмий каби этник гуруҳлар ташкил этади. Шунингдек, ўзбек халқининг шаклланишида булардан ташқари Марказий Осиёдаги, Ўрда Осиё ва Орол бўйида яшаган қадимги ҳамда ўрта асрларда ҳар хил туркий қабилалар иттифоқига кирган қангли, қарлуқ, қипчоқ каби туркий тилларда гаплашувчи этник компонентлар ҳам иштирок этган<sup>1</sup>. Бу жараён ҳозирги халқларнинг тили, маданияти ва айрим антропонимик, этнографик белгиларида акс этган. Айни вақтда бу ҳолат воҳа топонимик тизимида ёрқин намоён бўлади. Айниқса, Қорақалпоғистондаги қипчоқ ўзбекларига хос

<sup>1</sup> Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974. – С. 10.

бўлган уруғ ва тўба (тийра) номлари кўплаб этнотопонимларнинг асосини ташкил қилган. Бу этнонимлар туркий халқларга хос бўлганлиги сабабли уларни туркий асосли номлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Жанубий Қорақолпоғистон этнотопонимларининг асосий ва муҳим қисмини ўзбек халқига хос бўлган номлар ташкил қилади. Мазкур ҳудудда ўзининг тил хусусиятлари билан бир-биридан фарқланувчи ўғуз ва кипчоқ лаҳжаси вакиллари яшаши қайд қилинган эди. Этнотопонимлар таркибида шу икки катта қабилалар иштирокига кирган уруғ номлари билан юритилувчи объектлар анчагина.

Жанубий Қорақолпоғистон ҳудудида ўғуз қабиласи эроний халқлардан кейин яшаган катта этник уюшмалардан биридир. Ўғузлар то шу кунгача ўзларининг тил хусусиятларини сақлаган<sup>1</sup>. Ўғузларга мансуб деб ҳисобланган айрим қабила, уруғ номлари фонетик жиҳатдан турли ўзгаришларга учраган ва айрим топонимик индикаторлар билан бириккан. Айримлари эса умуман маҳаллий халқ томонидан унутилган уларни уруғ, қабила номи сифатида эсламайдилар. Аммо турли ўзгаришларга қарамасдан уларнинг ўғуз қабиласига хос уруғлар билан бўлган муносабатини, алоқасини топиш мумкин. Жумладан, *Баёт, Жувандыр, Авшар, Бижәнәк, Имир (Эймур), Туркманлик, Игдыр, Ийдирлик, Дусчы...*

Жанубий Қорақолпоғистон ўзбек шеваларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган этник элементлардан бири кипчоқлардир.

Ҳозирги кунда Хоразм ва Жанубий Қорақолпоғистон топонимиясида юзлаб этник номлар билан юритилувчи жой номлари борки, бундай этнотопонимлар бошқа кипчоқ тиллари группасига кирувчи халқларда ҳам учрайди. Жумладан, Жанубий Қорақолпоғистонда куйидаги кипчоқ этнонимлари билан юритилувчи топонимлар бор<sup>2</sup>: *Араллар* (Беруний тумани), *Ача // Ачалы* (Беруний, Манғит туманлари), *Ақбаш* (Беруний тумани), *Ақманғыт* (Беруний тумани), *Джаллықлы манғыт* (Беруний тумани), *Баганалы* (Элликқалъа тумани), *Бешаман / Бешйаман* (Беруний тумани), *Қыйат* (Беруний тумани), *Дөрмән* (Манғит, Беруний туманлари), *Джалайыр* (Беруний тумани), *Кэритавул* (Беруний тумани), *Қанжығали* (Манғит, Беруний туманлари), *Қыпчақ* (Амударё тумани), *Қарақулан, Қулан, Қуланлы* (Беруний, Тўрткўл туманлари), *Қанглы* (Беруний тумани), *Қарылпақэли* (Элликқалъа тумани), *Қарамазы* (Беруний тумани), *Қытай* (Беруний тумани), *Манғыт, Тамғалы манғыт* (Беруний тумани), *Мачайавул* (Беруний тумани), *Найман* (Беруний тумани), *Нўгай* (Беруний тумани), *Уйгур* (Беруний тумани), *Чувылган, Чувлан Кэрит, Човаланчы* (Беруний тумани) ва бошқалар.

*Он алты йаман, Йаманлар* (Беруний тумани). Топонимга асос бўлган *он алты* этноними Хива хонлари архивига оид ҳужжатларда ўзбек уруғларидан бири сифатида қайд этилган<sup>3</sup>. Мазкур этноним таҳлили бирмунча қизиқарли лисоний фактларни тақдим этади. Аслида этнотопоним ҳисобланган *Йаманлар* жой номи халқ орасида этник бирлик номи асосида

<sup>1</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. – Тошкент. 1978. – Б. 26.

<sup>2</sup> Этнонимларни қиёслаш учун мисоллар А. Ишаевнинг “Қорақолпоғистондаги ўзбек шевалари” китобидан олинди: – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 10-59.

<sup>3</sup> Рустамов М. Ўзбек этнографияси. – Тошкент: Фан, 1990.– Б. 11.



шаклангани унутилиб, кейинги вақтда аксар халқ этимологияси йўли билан изоҳланиши кузатилади. *Йаманлар* жой номи учун асос бўлган *йаман* этноними этимологияси туркологияда мунозарали сўзлардан саналади. Ушбу сўз туркий тилларда VIII асрлардан бошлаб ёзма манбаларда учрайди<sup>1</sup>. *Йаман* айрим маъно фарқлари билан ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида ишлатилади<sup>2</sup>. Айрим тадқиқотларда бу сўз қадимги хитой манбаларида *já-mán*, ҳозирги хитой тилида *yá-mán* шаклидаги “ёввойи, маданиятсиз”; “ёввойилик”, “маданиятсизлик” сўзлари билан боғлиқ деб кўрсатилган<sup>3</sup>. Ушбу фикрда ҳам, В.Б.Хеннинг томонидан унинг қадимги форсий *vitâna* (ҳозирги форс тилида ўзбек тилига ўзлашганидек “гумон” шаклида) сўзларига боғлашда ҳам, бизнингча, айрим муҳим лисоний фактлар эътиборга олинмаган. Биринчидан, ушбу сўз таркибидаги *йа* компонентини ҳозирги ўзбек тилида ҳам фаол истемолда бўлган “ўта ёмон” мазмунидаги “ёвуз” сўзи билан шаклан ҳам, мазмунан ҳам боғлиқлиги кўриниб турибди. Демак, ҳар иккала сўздаги *йа* компонентининг ўзи ҳозирги ўзбек тилидаги “ёмон” маъносини берганини тахмин қилиш мумкин. Унинг *ман* таркибий қисми эса туркий тилларда *бан* // *бен* шаклида умуман шахсни, инсонни англатган сўз бўлишини туркий тилларда азалдан мавжуд *бен* кишилик олмошига қиёсан тахмин қиламиз.

Кўпгина этнотопонимлар таркибида қатнашувчи *манғит* сўзи ва этноними хусусида А.Ишаев муфассал сўз юритгани боис<sup>4</sup> ҳудудда ушбу этноним билан боғлиқ *Тамғали манғит*, *Ақ манғит*, *Джаллықлы манғит*, *Қарамойын манғит* (Беруний тумани) каби топонимлар мавжудлигини қайд этиш билан чекланамиз.

*Қуланлы* (Тўрткўл тумани) топоними. Бу номни икки хил изоҳлаш мумкин: 1) *қулан* ўзбек уруғларидан бири<sup>5</sup> сифатида қайд қилинган. Айнан шу этноним формантли топонимга ўтган бўлиши мумкин; 2) *қулан* ҳайвон номи – зооним бўлиб, кейинчалик *-ли* форманти кўшилиб *Қуланлы* топонимига айланган бўлиши мумкин. Демак, этимон *қулан* зоонимидир.

2. Атропотопонимлар. Жанубий Қорақалпоғистон ҳудудида жуда кўплаб топонимлар киши исмлари, лақаб номлари асосида вужудга келган. Энг аввало, қайд этишимиз лозимки, асоси генетик жиҳатдан бошқа тилларга мансуб бўлса ҳам, туркий халқлар томонидан ички сўз яшаш имконияти билан ҳосил қилинган, шунингдек, халқимизнинг антропонимик тизимидаги ўзига хос хусусиятлари (қисқартириш, эркалаш, камситиш шакллари ҳосил қилиш каби) натижасида юзага келган айрим номларни ҳам ушбу бандда таҳлил қилиш ўринлидир.

Таъкидлаш керакки, антропонимларнинг топонимга айланиши муайян лингвистик ва экстралингвистик омиллар асосида юз беради. 3. Дўсимов бу

<sup>1</sup> Дренетюркский словарь. Под редакцией Надеяева В.М., Насилова Д.М., Тенешева Э.Р., Щербака А.М. — Л.: 1969. — С. 231.

<sup>2</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). — М.: 1974. — С. 184.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Шервашидзе И.Н. Фрагмент общетюркской лексики. Заимствованный фонд // Вопросы языкознания. 1989.. №2. — С. 64.

<sup>4</sup> Ишаев А. Манғит сўзининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. №2.1958. — Б. 63-65.

<sup>5</sup> Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. — Тошкент. 1972. — Б.11.

жараёндаги бир неча омилларни таҳлил қилган. Аввало, бу ҳолат икки тизимнинг бир-бири билан бўлган яқин муносабатидан, уларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Антропонимлар ҳам топонимлар каби объектни (кенг маънода) индивидуаллаштирадиган, уларни бир-биридан ажратадиган ижтимоий-лингвистик белгиларни эмас, айрим вақтда улар кишиларнинг этник белгиси, миллий хусусияти, ижтимоий-сиёсий изланишларини ҳам кўрсатувчи белгидир<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам уларнинг бир-бирига асос бўлиши табиий ҳолатдир. Бунда шахс билан объект муносабати муҳим рол ўйнайди. Дастлаб маълум ҳудуд билан боғланган кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ҳал қилувчи белги сифатида хизмат қилади. Бу белгилар кишиларнинг муҳим касби, мансаби, этник белгиси каби муҳим хусусиятларга асосланади.

Кўпгина ижтимоий-сиёсий терминларнинг, лақабларнинг ва баъзи этнонимларнинг топонимга айланишида антропонимлар муҳим восита бўлади. Бу хилдаги белгиларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан жой номига айланмайди. Улар даставвал киши номлари билан бирга қўлланилади. Вақт ўтиши билан турли омиллар асосида жой номига ўтади. Мавжуд антропонимларнинг аксарият кўпчилиги тарихимизнинг нисбатан кейинги даврларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунгача жуда яхши сақланиб қолган. Маълумки, хон ва унинг амалдорлари жуда катта экин майдонларига эгалик қилган. Амалдорлар ўз бўликлари ва халқдан солиқ йиғиб олганлар. Хонлик вилоятларга, вилоятлар эса қишлоқларга, қишлоқлар айни вақтда масжид қавми ва ўрамларга бўлинган. Кўпчилик ҳолларда масжид қавми ва ерлар унинг эгаси исми билан юритилган: *Мэтланбайдинг йери*, *Қурван аталықдың йери*, *Хожамырад йузбашының авули* каби.

Давр ўтиши билан антропотопонимлар таркибидан киши исми тушириб талаффуз қилинган ва натижада фақат унинг лақабигина қолган. Номларнинг бу типдаги торайиши Жанубий Қорақалпоғистон топонимиясида ижтимоий-сиёсий терминлар, лақаб, машғулоти номларининг жой номига айланишига сабаб бўлган. Масалан, Беруний ва Тўрткўл туманларидаги *Араллы* (аввало *Сабыр араллының йери* сифатида аталган), *Шатыр* (*Жумйаз шатыр*), *Көсә* (*Балтавай көсә*), *Тәппәчи* (*Йолдаш тәппәчи*; *тәппә* – шолени тозалайдиган қурилма) ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ўрганилаётган ҳудуд топонимларига кишиларнинг касби, машғулоти, лақаби, мақсади, исми, диний қарашлари кабилар асос бўлиш мумкин:

а) шахснинг касб-ҳунари ва машғулоти билан боғлиқ топонимлар: *Баззазның көли*, *Сурнайчы*, *Хоққачы*, *Сабынчы*, *Касиплар*, *Мәргәнлар* ва ҳоказо. Бу типдаги антропотопонимлар маъносига кўра “косибнинг қишлоғи ёки косиб яшовчи овул” деган маънога тенг. Жанубий Қорақалпоғистон топонимик тизимида жой номлари турли топоформантлар, индикаторлар билан бирга учрайди. Бу ҳол Г.Ф.Саттаров қайд этганидек, кишилардаги касб-ҳунари, ижтимоий келиб чиқиши кабилар билан боғлиқ топонимлар жамоавий-худудий характерга эгаллигини кўрсатади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.95.

<sup>2</sup> Саттаров Г.Ф. Лексико-семантические и тематические группы и разряды татарских лично-индивидуальных и семейно-родовых прозвищ // Советская тюркология. №3, 1977. – С. 29.

Бу қисмда, шунингдек, *Пычақчы, Пахтачылар, Пахтакар, Бешикчилар, Қырпықчыавул, Бэнглилә, Авмас, Мангқа, Чолақ, Айләчәкәлати, Жумамуратқара, Сырынгсы, Шаммикәл, Қылчынақ, Аташкәл, Досымбий, Байдәвләт, Баймырат, Бердақ, Махтымқулы, Нурулла, Абай, Досака, Аламбай, Мулладосан, Хатамшыйх, Палақлар, Атақажсы* каби топонимлар тахлилга тортилган.

3. “Фитотопонимлар” деб номланган учинчи бўлимда худуддаги фитонимларга асосланувчи топонимлар тахлил қилинди. Мазкур тип топонимлари биз ўрганаётган худудда ўз салмоғига эга, жумладан, ишга 40дан ортиқ шу типдаги жой номлари киритилди ҳамда ўз навбатида улар қуйидагича ички гуруҳларга ажратилди:

а) дарахт турлари билан аталувчи топонимлар: *Жи:дәлик, Әрикатыз, Далатов* (Элликқалъа), *Таллық-Сүвүтлик* (Шўрахан);

б) экин турлари билан аталувчи топонимлар: *Арпалық, Гунжиатыз, Фавушйер, Кәндирли, Йонгырчқа атиз, Маштахта, Замчайер* каби;

в) ёввойи ўсимликларнинг номи билан юритилувчи номлар: *Йылгынлы, Итсийчәк, Йантақлық, Қамышлық, Йылгынлық, Қылдырлы, Ақбашлық, Ажрықлық, Сазақлық, Фопалық, Тозғақкөл* ва ҳаказо.

Фитонимлар асосида шаклланган топонимлар тахлили шу ном билан аталган жой ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Жумладан, худудда *йантақ* фитоними билан алоқадор *Йантақлық, Йантақлы* (Элликқалъа тумани) микротопонимлари мавжуд. Мазкур ном билан аталган ўсимликнинг шакли, морфологик (ботаник тузилиши) хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг худуд шева вакиллари нутқида ҳозир ҳам фаол ишлатиладиган *йанта-* феълига алоқадорлигини тахмин қилиш мумкин. *Йанта-* “бирор нарсани бошқа бир нарсага яқинлаштирмақ, суяб қўймоқ” каби маъноларни англатади. Янтоқнинг бошқа ўсимликлар, шунингдек, бир-бири томонга ёйилиб, ёндашиб ўсиши ушбу ном учун асос бўлгани шубҳасиздир. Ундаги *-қ* аффикси эса туркий тилларда феълдан от ва сифат ясашда фаол иштирок этадиган, бир маъноси билан асосдан англашилган ҳаракат натижасини билдирувчи қўшимчадир<sup>1</sup>.

4. “Зоотопонимлар” деб номланган тўртинчи бўлимда худуддаги зоонимларга асосланувчи 30га яқин топонимлар аниқланди ва улар қуйидагича гуруҳларга бўлиб тахлил қилинди:

а) чорвачилик билан боғлиқ топонимлар: *Атбағар, Атчапар, Малбағар, Қойқырылган* каби;

б) ёввойи хайвонлар номлари билан аталувчи топонимлар: *Бөрийатақ, Шағалавла, Шағал, Итөлгән, Қарағулақ, Донғыз қачқан, Донғызлы, Қойанқачқан* кабилар;

в) қуш ва паррандалар номи билан боғлиқ топонимлар: *Суйлунли, Сулгунли* (ёввойи тустовуқ), *Қашқалдақкөл* (ўрдаксимон қуш), *Бирғазан* (бирқозон – пеликан), *Тәкәллик, Бөдәнәтахта* (бедана), *Көкқарға*;

г) бошқа типдаги жониворларнинг номлари билан юритилувчи топонимлар: *Чортанлы* (балиқ тури), *Сазанлы, Лаққалы* кабилар.

<sup>1</sup> Севортян Э.В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. - М.: Наука, 1962. – С. 402.

5. “Объектнинг табиий-географик хусусияти билан боғлиқ топонимлар” деб номланган бешинчи бўлимда *Аққайыр*, *Қайырлық* (Тўрткўл тумани), *Тақыр*, *Тақырпол*, *Ақтақыр* (Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний туманлари), *Чуқурқақ*, *Төрткөл*, *Ақчакол*, *Ақчаөзэк* (Эллиққалъа, Тўрткўл туманлари), *Қумбасқан* (Эллиққалъа тумани), *Қумқала*, *Қумсалма*, *Аққум* (Беруний тумани), *Тупраққала*, *Топрақлы*, *Қызылтопрақ* (Эллиққалъа, Тўрткўл туманлари), *Қаратав* (Эллиққалъа тумани), *Айақсалма* (Эллиққалъа, Тўрткўл туманлари), *Батқаққум // Батаққум* (Тўрткўл тумани) каби топонимлар тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қилинди. Жумладан, *Айақсалма* топоними бир қарашда тана аъзоси номлари билан боғлиқ кўринса ҳам, *айақ* (қадимий *адақ*) сўзининг кўчма маъноларидан бири “сўнг”, “ниҳоя” эканини эътиборга олсак, жойнинг табиий-географик хусусиятини, хусусан, жойлашув белгисини ўзида ифода этади. “Гавданнинг таяниб туриши учун хизмат қиладиган аъзо” маъносигаги *айақ* (эски ўзбек тилида *айақ // айағ*) қадимги туркий тилдаги “қадамламоқ” мазмунини англаган *а:д-* феълининг *ай-* шакли асосида пайдо бўлган<sup>1</sup> ва унга асосда англашилган маъно натижасини англаувчи *-қ* кўшимчаси кўшилган.

Жанубий Қорақалпоғистон ва Бухоро орасидаги ястаниб ётган чўл, Қизилқумнинг жанубий қисми *Батқаққум // Батаққум* номи билан юритилган<sup>2</sup>. Бу топонимни ҳам объектнинг табиий-географик хусусияти билан боғлиқ топонимлар қаторида изоҳлашимиз мумкин бўлади. Аппелятиви: *батқақ // батақ + қум*. Туркий тиллардаги *бот* феълига ўрин оти ясовчи *-қоқ* кўшимчаси кўшилган, *қум* топониминдикатор.

Диссертациянинг иккинчи боби “Аппелятиви эроний тилларга мансуб топонимлар” аталади ҳамда 2 бўлимни ўз ичига олади.

Бобнинг биринчи бўлими “Қадим эроний таркибли топонимлар” деб аталади ва унда Жанубий Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимги эроний тилларга тегишли топонимлар, уларнинг бир қатор маъновий ва фонетик ўзгаришларга учраган шакллари тарихий-этимологик таҳлилга тортилди. Бу бандда *Аланқала*, *Аслар*, *Жамшид*, *Дархас элат*, *Пешавил*, *Дарбант*, *Ақрават*, *Давдан*, *Абдаллар*, *Партовлиқ*, *Партов*, *Шиннэкли қала* (Эллиққалъа тумани), *Тэлэкли* (Тўрткўл тумани) каби топонимлар тавсифи баён қилинди.

Шунингдек, ҳудуддаги *дэр*, *пеш*, *сэр*, *пайин* компонентли жой номлари таҳлили ҳам шу банддан ўрин олган.

Бобнинг “Хоразмий тилига алоқадор элементлар” деб номланган иккинчи бўлимида ҳудуддаги ана шундай элементларга эга бўлган бир қанча топонимлар таҳлилга тортилди. Бу бандда *Раилық*, *Рашатыз*, *Рашйап*, *Гэбырқала // Гавырқала*, *Гавратыз*, *Гаврпол*, *Дукарчыла*, *Сэрэапчынныатызы* (Эллиққалъа тумани), *Гэширчилэ*, *Гэширатыз*, *Навкас*, *Дархас*, *Кардар*, *Андаранхас*, *Ги:т*, *Бургутқала*, *Ардахива*, *Ардахушмитан*, *Кардаранхас*, *Шорахан* каби жой номларининг тарихий-этимологик баёни берилди.

<sup>1</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, I. –С. 103.

<sup>2</sup> Тарихий-географик номларнинг қисқача изоҳли луғати. “Бухоро” нашриёти. 2008. - Б.8.

Жумладан, *Гэбырқала // Гавырқала, Гавратыз, Гаврпол* каби топонимлар таркибидаги *габир* Жанубий Қорақалпоғистон шеваларида (хусусан, Хоразм қипчоқ шевасида) “шўр”, “тузи кўп” маъносида қўлланади. Масалан, авқатинг йаман *габир* болипти – ад. орф. овқатинг жуда шўр бўлибди. *Габир* сўзига шаклан ва маъно жиҳатидан яқин сўз ҳозирги форс тилидаги *кавир* (*кевир*)дир. Эрондаги катта чўллардан бири *Дашт-е Кавир* деб аталади. “Бурхони қотей”да бу сўз *сувсиз, шўрҳок жой*, шунингдек, *сароб* маъноларида изоҳланган<sup>1</sup>. Бу сўз эроний тиллардан гилакийда *kavir*, яршийда *kaver* тарзида ишлатилади. *Кавир* сўзи “Шохнома”да ҳам *шўрлик, шўрҳок* маъносида ишлатилган<sup>2</sup>.

*Дукарчыла* (Тўрткўл тумани) топоними. Маълумки, тилларнинг генетик қариндошлигини аниқлашдаги мезонлардан бири сифатида сон ва олмош туркумидаги сўзлар ҳисобланади. Чунки генетикаси турлича бўлган тиллар яқин муносабатда бўлганда ҳам сон ва олмош лексик софлигини сақлаб қолиши кўп кузатилган. Масалан, ўзбек тилида ҳам йигирма учта кўп қўлланадиган соннинг йигирма биттаси асл туркий. Хоразмий тилида *ив - бир, зу* (“з” тиш ора товуш) - икки, *ши - уч, сид - юз, уксид - олти юз, ҳазор* - минг ва ҳоказо<sup>3</sup>. Шу ўринда кексалар нутқидаги “ҳазор шукур” иборасидаги “ҳазор”ни тожик ёки форс тили ўзлашмаси дейиш нотўғридир. Бундан ташқари *зу (ду)* - 2 сони билан боғлиқ *дукард* *دوکارد* (қайчи) сўзини бемалол қадимги хоразмий сўз сифатида шарҳлаш мумкин. Тўғри, *дукард* ҳозирги форс, тожик тилида ҳам бор. Лекин бу сўз бевосита ўзлашган дейишга асос бўлмайди. Мисол учун хоразмий тилидаги *заст* форс тилида *даст* (кўл)<sup>4</sup>. Бу ҳодиса туркий тилларда ҳам борлиги маълум. *Кард* компоненти эса умумэроний сўз – “Авесто”да *kareta* (пичоқ), курдча *kird*, балуж тилида *karja, karj* каби шаклларда учраса, санскрит тилида *kard* кўринишига эга<sup>5</sup>.

Бундан ташқари *дукард* сўзининг худуд шеваларидаги ва форс тилидаги маънолари ўртасида фарқ бор. Бизнинг шевада бу сўз *қайчи* сўзи билан синоним тарзда қўлланади. *Дукард* эса форс тилида қўй қирқадиган қайчини англатади<sup>4</sup>. Объект худудда кенг тарқалган агронимлар таркибидаги *карта* индикаторининг айна шу сўз боғлиқлигига шубҳа йўқ. Бу ҳолатда *карта* “кесиб олинган ер”, “маълум бир чегарага эга ер” каби маъноларни англатади<sup>6</sup>. Картани арабча *иктоъ, қитъа* сўзлари англатган маъноларига қиёслаш ҳам бу фикрни далиллайди.

Ишнинг учинчи боби “**Аппелятиви араб, мўғул ва рус тилларига алоқадор топонимлар**” деб номланган бўлиб, 4 қисмга бўлинди.

Мазкур бобнинг “Арабий элементлар” деб номланган биринчи бўлимида араблар ва араб тили таъсирида пайдо бўлган топонимлар таҳлилга тортилди. Биринчи тип топонимлар айрим этник бирлик номларини ҳисобга олмаганда миқдоран унча кўп эмас.

<sup>1</sup> Шамсуддин бин Халаф Табризий. Бурхони қотей. – Техрон: Амири кабир, 1375 х.ш. – С. 1742.

<sup>2</sup> Al-rams. www. Mehrarhgam.com.

<sup>3</sup> Фрейман А.А. Хорезмский язык. - М., 1951. - С. 12.

<sup>4</sup> Фрейман А.А. Хорезмский язык. - М., 1951. - С. 46.

<sup>5</sup> Шамсуддин бин Халаф Табризий. Бурхони қотей. – Техрон: Амири кабир, 1375 х.ш. – С. 1009.

<sup>6</sup> Персидско-русский словарь. - М.: Русский язык, 1983. - С. 681.

Айрим туманларда учрайдиган *Дигирсалма*, *Тийирйани*, *Тийир* каби топонимларни маҳаллий аҳоли диғир (тигир) “чиғир қасқоғига беркитиладиган хурмача шаклидаги идиш”<sup>1</sup> сўзи билан алоқадор деб ҳисоблайдилар, яъни диғир билан сув чиқариладиган ариқ маъносида. Бизнингча, бу сўз ҳам келиб чиқиши билан араб тилига мансуб бўлиб, *дайр* “хонақоҳ” маъносига эга<sup>2</sup>. Бу сўз ҳозирги араб мамлакатлари топонимиясида анча сермахсулдир<sup>3</sup>.

Булардан ташқари ўзининг келиб чиқиши билан араб тилига боғланувчи *мулк*, *мачит*, *қавм*, *қибла* каби сўзларнинг шева лексикасига кириб келиши Жанубий Қорақалпоғистон топонимиясининг оралиқ даврига тўғри келади.

Шундай элементлардан бири *аләм* компонентиدير. Бу сўз ёрдамида ясалган топонимлар анчагина, жумладан, *Эләмли*, *Қарәлам*, *Қарәләмбува* каби. Бундай номларнинг маъноси турли хил талқин қилинади. Улар аксарият кўпчилик ҳолларда азоб, дард, қийноқ, ғам каби сўзлар билан боғланади. Албатта бу сўзнинг семантик доираси анча кенглиги билан изоҳланади.

*Алам* араб тилида “аломат, белги, нишон” маъносини англатади. Бундан ташқари “ялов, туғ” каби маънони ҳам ифодалайди<sup>4</sup>. *Алам* – азиз-авлиёлар мазориди, қадамжоларда ўсган дарахтларга осиладиган ҳар хил латта. Бундай латталар кўпинча оқ рангда бўлади. Шунинг учун ҳам Жанубий Қорақалпоғистондаги қора латта тақилган мазор кишиларнинг диққатини ўзига тортган ва *Қарәләм* сифатида топонимларда акс этган. Шаҳидлар қабридаги таёққа осилган латта ҳам *аләм* деб юритилган. Шу ўринда ҳудуднинг айрим жойларида мавжуд *Эламчиләр* микротопонимида *аләм* сўзининг ҳудуд турмуш тарзи билан боғлиқ маъноси, яъни “Амударёдан кечувда йўл кўрсатувчи” маъноси назарда тутилади.

“Мўғул тили элементлари” эса учинчи бобнинг иккинчи бўлими бўлиб, унда Жанубий Қорақалпоғистон топонимиясидаги бир қанча мўғул тили элементларига асосланувчи топонимлар таҳлил қилинди. Жанубий Қорақалпоғистон топонимиясини кузатар эканмиз, мўғул тилига хос элементлар асосан, этник номлар сифатида кириб келган: *Дўрман*, *Қангли*, *Манғит*, *Қипчақ*, *Кўнгирот*, *Джуриян*, *Қатаган* каби этнотопонимларнинг мўғул халқи уруғ қабилалари орасидаги этнонимларга ўхшашлиги, шунингдек, бошқа туркий халқларда учраши тасодифий ҳол эмас. Бу номлар мўғулларда *дурбэн*, *канклы*, *манхут*, *қыпчақ*, *хонкирот*, *қыркын* (қирқ), *джурьят*, *хаткан*<sup>5</sup> каби шаклларда ишлатилади. Хуллас, маълум бир халқлар гуруҳида этнонимик параллелларнинг учраши уларнинг тилларида ҳам озми-кўпми яқинликлар борлигига ишора қилувчи муҳим далилдир<sup>6</sup>.

Жанубий Қорақалпоғистонда айрим топонимик индикаторлар ва топонимлар ўзларининг келиб чиқиши билан мўғул тилларига бориб

<sup>1</sup> Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 97.

<sup>2</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 443.

<sup>3</sup> Словарь географических названий арабских стран. Т. II. – М., 1973. – С. 370.

<sup>4</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 75.

<sup>5</sup> Щербак А.М. Основные особенности южнохорезмского говора в сравнительном освещении // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II. – Ташкент, 1960. – С. 78.

<sup>6</sup> Ишаев. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Б. 12.

боғланиши бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади. Худудда айрим уруғ-қабила номларидан ташқари мўғул тилига хос бўлган топонимлар деярлик учрамади.

*Авул* сўзи туркий тилларда ва ҳозирги мўғул тилларида кенг тарқалган: *Қазақаул, Туркмэнавул, Қаралтақавул*. *Ауул//Аўил* мўғул тилида “қишлоқ” деган маънони билдиради. Шунингдек, бу сўзнинг кўчиб юриш вақтида тўхташ, яшаш жойи маънолари ҳам мавжуд. Қирғиз тилида *айыл* “қора уй” (юрта) маъносига эга. Мўғул тилида *аил* сўзи “ўтов, ўтовлар” маъносидадир<sup>1</sup>. Т.А.Бертагаевнинг ёзишича *аил* “оилавий турар жой, юрт” каби маъноларга эга<sup>2</sup>.

Шундай экан, *авул* индикаторини асли мўғулча *айл* сўзининг фонетик варианты деб қараш мумкин. У сўнги даврларда семантик жиҳатдан ўзгарган, яъни ўтов – ўтовлар – кўчиш жойи – қўниш жойи –қишлоқ. Аслида “қишлоқ” сўзи ҳам шу жараённи босиб ўтган.

Бобнинг учинчи бўлими “Рус тили элементлари” тарзида белгиланган бўлиб, унда худуд топонимик тизимидаги рус тили билан алоқадор топонимлар ва уларнинг фонетик мослашувчанлиги, расмий топонимларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди. Сабаби рус тилига мансуб топонимларнинг аксарини расмий мотивли топонимлар ташкил қилади. Топонимлар ва расмий мотивли жой номлари ўртасидаги умумийлик билан бирга қатор лисоний фарқлар бор.

Тўртинчи бўлим “Гибрид таркибли номлар” деб номланган. Бобнинг ушбу охириги бўлимида худуддаги қисмлари турли луғавий қатламга мансуб бирликларнинг таҳлили берилди. Улар бир қанча қолипларга эга:

а) “туркий+эроний”: *Бийбазар* (Беруний тумани), *Йангуабад, Қулабад, Қызылбайрақ, Қызылчарва* (Элликқалъа тумани) каби;

б) “туркий+араб”: *Ойдуқан, Ойқала* (Элликқалъа тумани), *Йанбашқала* (Тўрткўл тумани), *Қызылқала* (Беруний тумани) каби;

в) “эроний+туркий”: *Эрдарйоли, Хирсэлат* (Элликқалъа тумани)каби;

г) “эроний+араб”: *Шаббаз* (Беруний тумани) каби;

д) “араб+эроний”: *Мираб, Йусупкэл* (Беруний тумани) каби;

ж) “туркий+мўғул”: *Бегавул, Қиртиқавул* (Беруний тумани) кабилар.

Бу тип жой номлари ҳам худуд аҳолисининг бошқа халқлар билан бўлган тарихий муносабатлари хусусида маълум хулосалар бера олади. Шу сабабли уларнинг айримларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ биламиз.

Масалан, *Шаббаз* (Беруний тумани) топоними таркибан эроний тилларга хос *шоҳ* сўзи ва араб луғавий қатламига мансуб *Аббос* антропонимидан ташкил топган. Айрим манбаларда ушбу жой номининг *Шоҳ Аббос валий* номи билан боғлайдилар. Ном таркибидаги *шоҳ* сўзининг ижтимоий-сиёсий терминдан тасаввуф истилоҳига айланиши ҳам тасодифий эмас.

Тасаввуф намоёндаларига *шоҳ, султон* сифатлари билан эхтиром кўрсатиш натижасида Увайс Қараний халқимиз орасида Султон Увайс номи билан машҳур. Гарчи Увайс Қараний аслида ҳеч қачон бизнинг юртда

<sup>1</sup> Мурзаев Э.М. Словарь местных географических терминов. – С.229.

<sup>2</sup> Бертагаев Т.А. Лексика современных монгольских литературных языков. – М. 1974. – С.48.

бўлмаган бўлса ҳам, воҳадаги тоғ тизмаларининг номларидан бири *Султан Вэйс тағдир*.

Аслида *султон* сўзи ижтимоий-сиёсий термин сифатида тарихан турли даврларида турлича мазмун касб этиб келган: 1. X асрларда мусулмон мамлакатлари ҳукмдори. XI асрда салжуқийлардан бошлаб бу унвонни араб халифалигидан мустақил давлат ҳукмдорлари олган. Ҳозирда мазкур унвон давлат бошқаруви монархия бўлган баъзи ислом давлатларидагина сақланиб қолган. Масалан, Бруней султони. 2. Мўғул феодал империяси инқирозидан кейин подшоҳлик қилмаган чингизийлар *султон* деб юритилган<sup>1</sup>.

Гибрид таркибли номларнинг кўпчилигини индикаторли номлар ташкил этади. Масалан, *Бостан шээри* (Элликқалъа тумани). Эски ўзбек тилига *шаҳр* шаклида ўзлашган ушбу сўз паҳлавийда *shahr* (мулк, вилоят), *shathr* (жаҳон, олам) қадимий *xshahr* ўзагига бориб тақалади. “Авесто”да бу сўз *xshathya* шаклида учрайди. Ўрта форс тилида *shahr*. Қадимги ҳинд тилидаги *kshatra* (шаҳар) сўзи *xshi* – *шоҳлик қилмоқ, фармон бермоқ, қудратли бўлмоқ* ўзагидан ҳосил бўлган. Ҳозирги эроний тилларда мазкур сўз бир-бирига яқин шаклларда кўлланади. Жумладан, ислакий (гилон), фаризандий, ярний, нотанзий тилларида *shâhr*, симнонийда *shahr*, сурхаида *shar*, шахмирзодийда *shar*, дизфулийда *shaar* каби. Агар воҳа топонимиясида Замахшар каби қадимий жойлари мавжудлигини эътиборга олсак, ушбу индикатор эроний қатламнинг Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари учун икки ички қатлам – субстрат ва ўзлашмалардан иборат эканини тасдиқлайди.

*Ойдуқан* (Элликқалъа тумани) топоними ҳам туркий *ой* ва арабча *дуқан* сўзларидан ташкил топган. Бу индикатор топонимлар таркибида ва ёлғиз ҳолда жой номи сифатида учрайди. *Ой* «пастлик, чуқурлик, жарлик» маъносини ифодалайди. Хоразм шеваларида бу индикатор *ойдық, ой-хәндәк, хандак* каби вариантларга эга.

Туркман тилида *ай* «чуқур, пастлик» маъносида, эски ўзбек тилида *ојык//ојук*, рус тилида «выдолбленный, впадина, дыра» маъносида кўлланган. О.Мадраҳимов *о:й* сўзи «чуқурлик, тупроғи ўйилиб олинган чуқур ер» деб изоҳлайди<sup>2</sup>.

Араб тилида *дуқан* сўзи *дуккан* шаклида ўзбек тилидагидек “дўкон” ва “устахона” маъноларига эга.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари тизимида тарихий-этимологик жиҳатдан ном учун апеллятив (этимон) бўлган сўзларнинг кўпчилиги туркий қатламга мансуб бўлиб, уларнинг асосий қисмини этнотопонимлар ташкил қилади. Бу этнонимларнинг кўпчилиги генетик жиҳатдан туркий экани шу ном билан аталган уруғ, қабила, этник бирликларнинг жуда қадим замондан бошқа туркий этник бирликлар билан яқин муносабатидан дарак беради. Ҳудудда мавжуд этнотопонимларнинг деярли барчаси Ўзбекистоннинг бошқа жойларида учраши ёки тарқалиш

<sup>1</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 54.

<sup>2</sup> Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. - Т., 1973. – Б. 161.



ареали анча кенглиги шу ном биан аталган энтик бирликларнинг тарихи, туркий ёки жаҳоннинг бошқа халқлари шаклланишида тутган ўрни каби факторлар билан изоҳланади. Худуд этнотопонимлари ўша жойда истиқомат қилувчи аҳолининг тил хусусиятлари ҳақида ҳам маълум тасаввурлар ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди.

2. Антропотопонимлар статистик жиҳатдан этнотопонимлардан кейинги ўринда туради. Улар бошқа ҳудудларда бўлгани каби ўзининг ўзгарувчанлик, тез таъсирга учраши каби хусусиятлари билан фарқланиб туради. Шахснинг касб-кори билан боғлиқ антропотопонимларнинг нисбатан барқарорлиги уларнинг ўзаро ички гуруҳларида бу ҳолат тенг даражада эмаслини кўрсатади;

3. Худуд топонимиясида эроний асосли жой номларининг салмоқ жиҳатидан туркий асосли номлардан кейин иккинчи ўринда туриши Жанубий Қорақалпоғистон ҳудудида туркий этник бирликлар билан бирга эроний тил оиласига мансуб бўлган хоразмий тилида гапирувчи халқлар қадимдан истиқомат қилганликлари билан боғлиқ. Мазкур гуруҳга мансуб айрим топонимлар туркий халқларнинг эроний халқлар (форсийлар, тожиклар) билан ҳар томонлама мустаҳкам муносабатлари натижасида юзага келган.

4. Кейинги даврларда билингвистик муҳитнинг бутунлай йўқолиши, хоразмий тилининг истеъмолдан чиқиши натижасида айрим жой номлари маҳаллий шева нутқидаги сўзларга "мослаштирилган" ва шунга кўра жой номлари изоҳига доир топонимик халқ оғзаки ижоди намуналари юзага келган.

5. Худудда апеллятиви туркий ва эроний тилларга мансуб жой номларидан ташқари араб, мўғул, хитой ва рус тиллари элементлари асосида шаклланган жой номлари ҳам мавжуд.

6. Апеллятиви араб тилига алоқадор жой номларида араблар ва араб тилининг ҳукмронлиги билан боғлиқ номлар фарқланади. Бу эса худуд топоним тизимида араблар таъсири эмас, балки араб тили таъсири кўпроқ бўлганини кўрсатади.

7. Апеллятиви рус тили таъсирида пайдо бўлган топонимларнинг кўпчилигини расмий мотивли жой номлари ташкил қилади. Расмий мотивли топонимлар жой тарихи, географик хусусияти ва ундаги этник бирликлар билан боғлиқ бирор белгини ўзида ифода эта олмагани сабабли, уларни тарихий-этимологик жиҳатдан тадқиқ объекти сифатида олиш мақсадга мувофиқ эмас.

8. Апеллятиви мўғул тилига алоқадор деб топилган жой номларининг кўпчилигини айти пайтда туркий тиллар лексик фонди материаллари билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу ўз навбатида "турк-мўғул лексик параллелиги" топонимлар мисолида ҳам мавжудлигини кўрсатади.

9. Хитой тилига алоқадор элементлар билан изоҳланувчи топонимлар эса худуд аҳолисининг хитойлар билан бўлган муносабати эмас, туркий тилларнинг хитой тили билан бўлган муносабати натижасида юзага келган.

10. Худуд топонимларнинг айримлари гибрид таркибли жой номлари бўлиб, улар бир қанча қолипларга эга: "туркий+эроний", "туркий+араб",

“эроний+араб”, “араб+эроний”, “туркий+мўғул” каби. Бу тип жой номлари ҳам худуд аҳолисининг бошқа халқлар билан бўлган тарихий муносабатлари хусусида маълум хулосалар бера олади.

11. Ўзининг жуда қадимий тарихи ва топонимик материалларига бой бўлган Жанубий Қорақалпоғистон жой номларининг лисоний ўзгачалиklarини монографик кўламда тадқиқ қилиш бугунги куннинг талабидир. Бу ономастика, хусусан, топонимика соҳасининг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан бойишида манба бўла олади.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Юлдашев Д. Худуддаги баъзи хоразмий сўзларнинг қиёсий-этимологик таҳлили // Филологик тадқиқотлар. — Тошкент — 2006. №3. Б.42.
2. Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистондаги айрим топонимлар ҳақида // Филологик тадқиқотлар. — Тошкент — 2007. №2. Б.36.
3. Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистондаги архиатопонимлар // Филологик тадқиқотлар. — Тошкент — 2008. №2. Б.45.
4. Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари тизимида эроний тилларга тегишли элементлар // Илм сарчашмалари. Тошкент – 2009 №3. Б.56.
5. Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари таркибида дар компоненти // Илм сарчашмалари. Тошкент – 2009. №3. Б.48.
6. Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон айрим тарихий топонимлар хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент – 2009. №4. Б.75.
7. Юлдашев Д. Роль хорезмийского языка в формировании топонимии Южного Каракалпакистана // Filologiya məsələləri. Баку. 2011 №2. С.199-203.
8. Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистондаги баъзи қипчоқ этнотопонимлари хусусида // Ilm sarchashmalari. Toshkent – 2011 №8. Б.74-77.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Юлдашев  
Дониёр Тахировичнинг 10.02.02.— Туркий тиллар ихтисослиги бўйича  
“Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий-этимологик  
тадқиқи” мавзусидаги диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** ономастика, топонимика, апеллятив, туркий топоним, этнотопоним, антропотопоним, фитотопоним, зоотопоним, апеллятиви эроний топоним, хоразмий тили элементли топоним, топоформант, топоиндикатор, мўғул тили элементлари, араб тили ва рус тили элементлари, гибрид таркибли топоним.

**Тадқиқот объекти:** Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари материаллари.

**Ишнинг мақсади:** Жанубий Қорақалпоғистондаги топонимларни тарихий-этимологик таҳлилни амалга ошириш ва хулосаларни умумлаштириш.

**Тадқиқот методлари:** тавсифий, қиёсий-тарихий ва этимологик таҳлил усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари тарихий-этимологик жиҳатдан илк бор монографик тарзда ўрганилди; ўзбек топонимикасидаги жой номларининг тарихий-этимологик тадқиқига бағишланган адабиётлар илмий-танқидий таҳлил қилинди ва мавзунинг ўрганилиш даражаси белгиланди; худуддаги апеллятиви туркий сўзлардан бўлган топонимлар этнотопонимлар, антропотопонимлар, фитотопонимлар, зоотопонимлар ва объектнинг табиий-географик хусусияти билан боғлиқ топонимлар тарзида гуруҳланди ҳамда тадқиқ қилинди; апеллятиви эроний тиллар мансуб топонимлар қадим эроний таркибли топонимлар ва хоразмий тилига алоқадор элементлар сифатида тадқиқ этилди; Жанубий Қорақалпоғистондаги топонимларга апеллятив бўлган турли тилларга хос элементлар арабий, мўғул ва рус тили элементлари ҳамда гибрид таркибли топонимлар тарзида ажратилиб, таҳлилга тортилди.

**Амалий аҳамияти:** ишнинг илмий таҳлиллари ва назарий хулосалари келгусида ўзбек ва қорақалпоқ ономастикаси муаммоларини тадқиқ қилишда, ўзбек ва қорақалпоқ лексикологияси, семасиологияси, топонимик лексикографияси масалаларини ўрганишда илмий-назарий намуна бўла олади, Қорақалпоғистон топонимлари ва Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг изоҳли луғатларини тузишда, махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот хулосалари ўзбек ономастикаси бўйича бакалаврият ва магистрлик таълим йўналишлари учун маъруза матнлари тайёрлашда ҳам қўл келади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодиёт самарадорлиги:** тадқиқот натижаларидан ўзбек ва қорақалпоқ ономастикаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, топонимик луғатлар тузишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** ономастика, топонимика, лексикология, диалектология, тил тарихи.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Юлдашева Данияра Тахировича на тему: «Историко-этимологическое исследование топонимов Южного Каракалпакстана» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.02 – тюркские языки.

**Ключевые слова:** ономастика, аппелятив, тюркский топоним, этнотопоним, антропотопоним, фитотопоним, зоотопоним, аппелятив иранского происхождения, элементы хорезмийского языка, топоформант, топоиндикатор, элементы монгольского языка, элементы русского и арабского языков, топоним с гибридной структурой.

**Объекты исследования:** материалы топонимов Южного Каракалпакстана.

**Цель работы:** обобщить выводы и осуществить историко-этимологический анализ топонимов Южного Каракалпакстана.

**Методы исследования:** описательный метод и методы сравнительно-исторического и этимологического анализа.

**Полученные результаты и их новизна:** Топонимы Южного Каракалпакстана впервые были изучены в монографическом плане с историко-этимологической точки зрения; литература, посвященная историко-этимологическому анализу названий географических объектов в узбекской топонимике, подверглась научно-критическому исследованию и была определена степень изученности темы; местных топонимов был проанализирован согласно семантико-тематическим особенностям топонимов тюркского происхождения на основе деления на внутренние группы; местные топонимы, имеющие аппелятив с элементами иранских языков, были исследованы в качестве топонимов с древнеиранской структурой и элементов имеющих отношение к хорезмийскому языку; Южного Каракалпакстана был выделен в форме, обладающей элементами арабского, монгольского и русского языков, а также топонимов с гибридной структурой с его последующим анализом.

**Практическая значимость:** теоретические выводы и материалы диссертации могут быть использованы при создании учебников и учебных пособий, при составлении толковых словарей узбекских говоров Южного Каракалпакстана, а также при чтении специальных курсов. Выводы исследования могут быть использованы при подготовке текстов лекций по ономастике для студентов, обучающихся по направлениям бакалавриата и магистратуры.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования могут быть использованы при создании учебников и учебных пособий по узбекской и каракалпакской ономастике, при составлении топонимических словарей, организации специальных курсов и семинаров.

**Область применения:** ономастика, топонимика, лексикология, диалектология, история языка.

## RESUME

**the dissertation on “Historic and etymologic research on the toponyms in Southern Karakalpakistan” and is in the sphere of Turkish languages 10.02.02. by the candidate of Philology sciences Yuldashev Doniyor Takhirovich**

**Key words:** onomastic, topography, appellative, Turkish toponym, ethnotoponym, anthrotoponym, fitotoponym, zootoponym, appellative Iranian toponym, elementary toponym of Khorezmian language, hybrid constitutive toponym, historical-etymologic analysis.

**The object of the research:** the toponyms in Southern Karakalpakistan

**The aims of the work:** to analyze historical-etymologic the conclusions and constitute them all.

**The methods of the research:** to use the ways of comparative, historical, and etymologic analysis.

**Received results and the news in them:** in the research the toponyms in Southern Karakalpakistan historical-etymologically have been learnt for the first time; the books which were devoted to the historical etymologic research on the names of places in Uzbek topography; toponyms which consist Turkish areal appellatives, ethnotoponym, anthrotoponym, fitotoponym, zootoponym and other toponyms which related to natural-geographic features have been classified and investigated; toponyms which related to appellatives in Iranian languages have been researched as the toponyms in ancient Iranian features and the elements in Khorezmian language ; the elements in Karakalpakistan which appellatively related to different languages have been classified as in the elements of Arabian, Russian and Mongol languages and hybrid featured toponyms.

**The practical importance of the work:** final results and analysis of the work can be an excellent example in solving the problems in Uzbek and Karakalpakistan lexicology, semasiology, topographic lexicography, making a dictionary which involves the toponyms in Karakalpakistan and Uzbek slangs in Southern Karakalpakistan, giving special talks. This work can be very handful in giving lectures on the degrees of educational system of bachelorship and mastership.

**The degree of researching and economic progress:** the results of this work can be used in making text books on Uzbek and Karakalpak onomastic, making toponymic dictionaries, special courses and lectures.

**The sphere of the usage:** onomastic, topography, lexicology, dialectology and the history of languages.